

Тазкия 168-дарс. Мақтов вируси

ТАЗКИЯ
168-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф роҳимахуллохнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Рухий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.

A circular portrait of a man with a white beard and a white turban, wearing a light-colored jacket, speaking into a microphone. The background of the portrait is a patterned wall.

17:00 / 15.01.2022 2697

Кўпчилик одамларнинг мақтовини яхши кўриб, танқидини ёмон кўргани сабабли ҳалокатга учрайди. Уларнинг барча ҳаракатлари одамларнинг розилигини топишга, мақтовига эришиб, танқидидан қутулишга қаратилган бўлади. Албатта, бу оғир дард бўлиб, уни даволаш зарур.

Одамларнинг мақтовига ўч бўлиш хасталигидан қутулиш қуйидагича бўлади. Аввало, одамлар сизни қайси сифат ила мақташаётганига назар солинг.

Агар ўша сифат ҳақиқатан ҳам сизда бор бўлса, икки хил бўлади:

Биринчиси – илм ва тақво каби хурсанд бўлишга арзийдиган сифат. Бундай ҳолатда мақталган одам оқибатдан ҳазир бўлиши керак. Ўша кўрқинч уни мақтовдан маст бўлишдан сақлайди. Агар оқибати яхши бўлиши хурсандчилик сабаби бўлса, Аллоҳ таоло берган фазлдан хурсанд бўлиш керак. Одамларнинг мақтовидан эмас.

Иккинчиси – мансаб ва молга ўхшаш хурсанд бўлишга арзимайдиган сифат. Бу нарсалардан хурсанд бўлиш худди тезда қуриб, хашакка айланадиган кўкатдан хурсанд бўлишга ўхшайди. Бундан эса фақат эсипастларгина хурсанд бўлади.

Агар сиз мақталган сифат сизда бўлмаса ҳам, мақтовдан маст бўладиган бўлсангиз, бу эсипастликдан бошқа нарса эмас.

Танқидни ёқтирмаслик ҳам оғир дард ҳисобланади. Уни ҳам эринмасдан, зудлик билан даволаш лозим. Бу борадаги гапнинг қисқаси қуйидагича: Агар сизни танқид қилган кишининг гапи тўғри бўлиб, насиҳатни ирода қилган бўлса, ғазабланмасдан унинг гапини яхши қабул қилиш керак. Чунки у сизга айбларингизни ҳадя қилмоқда.

Агар танқидчи насиҳатни ирода қилмаган бўлса, у ўз динига нисбатан жиноят қилибди, сиз эса унинг гапидан фойда олибсиз. Чунки у сизга билмаган нарсангизни билдирибди ва унутган нарсангизни эсингизга солибди.

Агар танқидчи сизда йўқ нарсаларни айтиб бўҳтон қилган бўлса, сизга қуйидаги уч нарсадан бири бўлади:

1. Агар сиз мазкур айбдан холи бўлсангиз ҳам, унга ўхшаш бошқа айблардан холи эмассиз. Аллоҳ таоло ошкор қилмай турган айбларингиз кўп. Аллоҳ таоло танқидчига сизнинг ўша айбларингизни билдирмаганига шукр қилинг.

2. Танқидчининг тухмати сизнинг гуноҳларингизга каффорот бўлади.

3. Бўҳтончи ўз динига нисбатан жиноят қилди. Ўзига қарши Аллоҳ таолонинг ғазабини қўзитди. Сиз Аллоҳ таолодан уни афв қилишини сўранг. Бир киши Иброҳим Адҳамни уриб бошини ёрганда, унинг ҳаққига дуо қилиб, шундай деган экан: «Бунинг сабабидан ажр олдим. Менинг сабабимдан азобга қолмасин».

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди